TOSHKENT SHAHAR YUNUSOBOD TUMAN HOKIMI
Q A R O R I

2022 - yil 11 - oktabr 453-14-206-Q/22 Yunusobod tuman hokimligi

Юнусобод тумани ҳокимининг 2020 йил 17 ноябрдаги 1358-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида”ги 2018 йил 20 апрелдаги ПФ-5421-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарорига асосланиб, Юнусобод тумани ҳокимининг 17 ноябр 2020 йилдаги "Якка тартибдаги уй-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш" ҳақидаги 1358-сонли қарорига асосан, Юнусобод тумани, Тикланиш 9-тор кўчаси, 13-уйдаги ҳуқуқ тури белгиланмаган - 600,00 кв.м ер майдонида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 63,40 кв.м, яшаш майдони 31,80 кв. м га тенг 2 та яшаш хонаси, 1 та ошхонага нисбатан фуқаро - Abduraimova Dilfuza Tillavovna номига шахсий мулк ҳуқуқи эътироф этилсин деб белгиланган.

Тошкент туманлараро маъмурий судининг 11 январ 2022 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан аризачи - К.К.Патхаллаеванинг жавобгарлар, Юнусобод туман ҳокимлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасининг Юнусобод туман филиали мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларига нисбатан келтирган аризаси қисман қаноатлантирилган ва Юнусобод тумани ҳокимининг 17.11.2020 йилдаги 1358-сонли Юнусобод тумани, Тикланиш 9-тор кўчаси, 13-уй-жойга - Abduraimova Dilfuza Tillavovnaнинг эгалик ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Тошкент туманлараро маъмурий судининг 11 январ 2022 йилдаги Юнусобод тумани ҳокимининг 17.11.2020 йилдаги 1358-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Юнусобод тумани ҳокимининг 2020 йил 17 ноябрдаги 1358-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Туман ҳокимлиги девонхона мудирига:

- ушбу қарор нусҳаси маълумот ва ижро учун давлат кадастр палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси Юнусобод тумани филиалига ҳамда манфаатдор томонларга юборилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Юнусобод тумани ҳокимининг ўринбосари Д.Юсупов зиммасига юклатилсин.

Юнусобод туман ҳокими **Б.Абдувалиев**